

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

Иброҳим ака, Ойбекнинг асосий муҳофиз, уни тарбиялаб камолга етказган устози - ҳаёт. Шундан бўлса керакки, унинг ҳар сатри, ҳар сўзи ҳаёт ҳақиқати бағрида ўсиб-унган эзулик дарахтига ўхшайди. Қолаверса, унинг болалиги кечган даврда одамлар иқтисодий йўқсиллик, фикрий қолоқлик, руҳий тушкунликка маҳкум этилган, мутелик, жаҳолат ва зулм, кундалик турмуш машаққатларидан халқнинг тинқаси куриган эди. Ана шундай фожиали қисмат уни руҳан синдириб, маънан эрта улғайтирган эди. Адибнинг ақл-тафаккури, кучли иродаси, қалб ҳарорати билан ана шу воқеа ва ҳодисалар халқ тарихининг бир бўлагига айланиб, абадиётга муҳрланди. Сизнингча, бу адиб ижодининг тарихий-фалсафий қиммати ва умуминсоний моҳиятини белгилайдими?

Маълумки, ҳақиқий санъат

Кўёш, нуринг тўқабер мул-қул, Баҳор, кетма бизнинг бошлардан. Юртимизда қолмасин дашт-чўл, Чаман қулсин ҳатто тошларда.

асари гўзаллики соғиниш ва гўзаллик яратиш туйғусидан дунёга келади. Ва инсон қалбига кучли таъсир ўтказиб, руҳини яратиб юборади. Умуман, қалбга таъсир кўрсатолмаган ва ўқувчи кўнглини ўзига ром этишга яроқсиз асарнинг адабиётга алоқаси йўқдир. Адабиёт тили - юрак тили. Ҳатто юракдан сўзлаш билан бевосита юрак тилида сўзлашнинг фарқи бор. Бадий ижодни тарғиб ва ташвиқ воситаси деб билмаган ҳар бир санъаткор бундан тасаввур қилади.

Адабиёт тарихига назар ташланг. Истеъдодсиз ижодкорларда собит жасорат, катта курашчанлик эътиқоди бўлганми? Бўлмаган. Шу боис улар ўзларидаги маънавият ва имкониятга эмас, бошқаларнинг шафқат ҳамда муруватларига суяниб, ялтоқланиб яшаган. Истеъдод табииати эса бутунлай бошқача. Унинг кудрати - ўзига, энг оғир шароит ва вазиятларда ўзининг ҳақлигига ишонч. Бу даврони Ойбек истеъдоди ҳам тўла тасдиқлайди.

Гар қолдим нонсиз Ва бошпаноҳсиз, Дарз кетмади қалб, Кўнглимда ҳақиқат. Бир он сўнмади, Гўё зўр кўёш,

деганида у минг бора ҳақ эди. Унинг шоир қалбини чиркин ва ёвузона ғаразлар билан эзишган. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси унинг келажакка ишонч, умид ҳисларини яқсон эта олмаган. Чунки Ойбек янги давр, зиддиятларга тўла мурақаб бир замон фарзанди эди. Шунинг учун у адабиётда фақат янгилик яратиш эмас, балки адабиётни янгилаш истаги билан ҳам яшади ва ҳормай-толмай ижод қилди. Ойбек ижодининг тарихий-фалсафий қиммати, умуминсоний моҳияти ёки бошқа бир ўзига хос жиҳати ҳақида фикр билдирилганда, энг аввало, масаланинг мана шу томонини инобатга олиш зарур деб ўйлайман. Ойбек - ҳаёт санъаткори. Унинг ҳаёл олами ҳам ҳаёт руҳи, ҳаёт шавқини ўзида акс эттиради.

У оддий ўзбек характерининг моҳиятини санъат йўли ва усуллари билан тадқиқ эта билгани учун ҳам «Кутлуг қон», «Навоий», «Болалик» каби ўлмас китобларни авлодларга мерос қолдира олди.

Нозим Ҳикмат «Бир кунга бўлса ҳам болаларга берайлик дунёни» деганди. Негаки, бола қалби қанчалик бегубор ва соф бўлиши билан бирга, шунчалик кенг ва сарҳадсиздир. Бо-

ҳақида давом эттирсак. Зеро, бу ёруғ оламда инсон зоти борки, болалик хотиралари билан тирик.

Инсон фарзанди моҳиятан болаликда бир одам бўлиб ўсиб-ўлғайган бутунлай бошқа бир одамга айланиб қолмайди. Чунки инсоннинг вояга етишиши - бу болаликда уруғ ёки қуртак тарзида пайдо бўлган ҳислат, хусусият ва фазилатларнинг юз очиб, ривож топиши демакдир. Ойбекнинг «Болалик» қиссаси ҳам шу фикрни тўла тасдиқлайди. Мен «Болалик»ни ақинда қайта ўқиб чиқдим ва улуг адиб, шоир, мутафаккир, беқийёс улуг шахс Ойбек характерига хос даярли агар бўлган улуг олим ва мутафаккирдир. Шунинг учун ҳам Ойбек Навоийнинг муҳоби, содиқ издоши ва улуг шоир ижодиётининг тадқиқотчиси сифатида масаланинг мана шу жиҳатига доимо алоҳида эътибор билан қараган. Ойбек Навоий яшаб, ижод этган тарихий давр, адабий-маданий муҳит хусусида сўз юритганда, биринчи галда унинг ўз кўрсатмалари, эъти-

лодда ҳодиса ўлароқ қараган. Унингча, «Навоий қомусий маълумотга эга бўлган улуг олим ва мутафаккирдир». Шунинг учун ҳам Ойбек Навоийнинг муҳоби, содиқ издоши ва улуг шоир ижодиётининг тадқиқотчиси сифатида масаланинг мана шу жиҳатига доимо алоҳида эътибор билан қараган. Ойбек Навоий яшаб, ижод этган тарихий давр, адабий-маданий муҳит хусусида сўз юритганда, биринчи галда унинг ўз кўрсатмалари, эъти-

роф ва маълумотларига суянган. Ўша замонларда ва ундан кейин яратилган энг мўтабар илмий, тарихий, адабий манбалар билан пухта танишиб, бири-бирдан мазмундор ва ўқишли тадқиқотларни яратган. Уларда Навоийнинг шахси, дунёқараши, ижодиётининг оламшумул кудрати ва бадий жозибаси хусусида илгари сурилиши зарур бўлган фикр-мулоҳазаларни биринчилар қаторида баён қилган. Ойбек Навоийнинг ҳаёти, бади-



Мен уйда бўш қолдим дегунча устоз Ойбекнинг «Навоий» романини қўлга оламан. Бу улуг асарни қайта-қайта мутлола қилишдан мен сира ҳам толиққан эмасман. Чунки роман мени бирварақайга халқимизнинг икки буюк фарзанди билан дийдорлаштиради. Бир Алишер Навоий бўлса, иккинчиси асар муаллифи устоз Ойбекнинг ўзларидир... Романда тасвир этилган Навоийнинг ҳар бир эзгу хатти-ҳаракатида мен Ойбек доманининг ўз қалб тўлқинларини, хатти-ҳаракатларини илғайман. Фоятда бағрикенг, боладай самимий, буюк заковати кўзларидан чакнаб турган устоз Ойбек билан учрашган дамларимни мен бир умр унутмайман.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

мамлакат подшоҳининг гаши келиб, унинг бошини танасидан жудо қилганга беҳад катта муқофот ваъда қилибди. Қарангки, Хотамни ўлдирмоқни ният қилган бир кимса узок вақт ўзи сезмаган ҳолда Хотамнинг меҳмони бўлибди ва охирида ниятини унга айтибди. Шунда саҳийлик тинсоли меҳмонга қўлидаги шамширни бериб:

«Уша Хотам Той мен бўламан. Бошим сизга садақа, - деган экан. Айтишларича, Ойбек ҳазратлари ҳам ўзларига ёмонлик қилган, тухмат тошлари ила оғир хасталикка чалинишига сабаб бўлган кимсаларга ҳам гина-қудуратини унутиб, ихлос билан ёрдамга шошиларкан. Ундаги бундай қомил фазилат Оллоҳ назари тушган инсонларгагина nasib этади...»

«Агар орзуга яраша кучли, мард, кўнгли ёруғ ва истеъдодли одамлар Бенгалияда тез-тез вояга етганида шижоат танқислигидан халқимиз бунчалик кўп азоб чекмасди», - дейди улуг хинд адиби Р.Тагор. Мен айтаманки, Ойбек домлага ўхшаш беназир Шахс ва ижодкорлар кўпайганда маънавиятимиз янада гуллаб яшнаган бўлурди. Ойбекнинг инсоний фазилатларини санаб ёки таърифлаб тугатиш қийин. Шунинг учун ҳам номардлик ва тубанликларга қарши унинг тозаллиги, болалиги ва хокисорлиги ҳамisha қалқон бўлган. Ҳақ ва ҳақиқатга таслим кишини энгиш мумкинми? Ойбекка ташланган, уни энгишни кўзлаган кимсаларнинг ҳеч бири бунга ўйлаб ҳам кўришмаган. Чунки уларнинг назарида Ойбек шунчаки бир ижодкор, қўлни-қўлга бериб ҳужум бошлашса қулайдиган инсонга ўхшаб кўринган. Қолбунки, Ойбекнинг улуг Навоийдек ўнлаб пири ва суянч тоғлари бўлган. Унинг қалбиде ишқ ва маърифат офтоби чарақлаб турган...

Ҳаёт улкан зотларни кўпича ҳар турли бедодлик, ноҳақлик ганимлик ва ёвузликларга юзлаштиради. Нега шундай? Биринчидан, «ярқираб юлдуз ёнодур тун қаро бўлган сайин», дейилганидек, улар ана шундай вазиятларда руҳоний куч, фазилат ва ботиний имкониятларини кўпроқ намойён қилади. Иккинчидан, Ойбекдек буюк зотлар ана шундай бир «бетарафлик» мақомига кўтариладими, ҳасад, хусумат, гийбат, ожизлик гавғоларига умуман парво қилмайдиган ҳолатга етади. Ва меҳнат завқини ҳар нарсадан юқори қўяди. Шу сабабдан ҳам Алишер Навоий:

Замон эли гар урушуну гар ярашунлар,

Ки, не урушим алар бирла бору не ярошим,

деб ёзган эди. Ойбек сабр-бардошда ҳақиқий мутасаввифга ўхшайди. Ундаги қалб ва руҳ узлати ҳар бир гофил кимсга ҳам шафқат билан қараш, фавқуллода кечиримли бўлишга рағбатлантирган. Бошқасини у тасаввурга ҳам сиғдирмаган.

Маълумки, Ойбек 1968 йил эрта баҳорда, яъни ўлимларидан сал олдин Бухорога ташриф бурган эдилар. Унда ҳам иккинчи курс талабаси эдим. Ойбекнинг она

IV. «БАҲОР, КЕТМА БИЗНИНГ БОШЛАРДАН...»

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудир, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан мулоқот

сабат ва тушунча билан тарбия тоганида, ҳеч шубҳасизки, у тамоман бошқа бир киши ўлароқ шакллана ва болалик поэзияси унинг қўлига қалам тутқазмаган бўлурди.

«Буюк одам - абадий бола. У ўлаётиб дунёга ўзининг улуг болалигини қолдиради». Буюк Тагорнинг ушбу сўзлари худди Ойбек учун - ўлмас асарларинигина эмас, улуг болалигини ҳам мерос қолдирган бетимсол Ойбекимиз учун айтилгандай. Бу болалик халқ, Ватан, адабиётимиз истиқболи сифатида сира қаримас ва мангу умидбахшидир. Миртемир Ойбекка бағишланган шеърда ёзган эди:

Шеър - ҳикмат дарёси, соҳр дарёси, Жумбоғдай битталаб ечолсам дейман. Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси, Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман... Жайхунмисан, қайдам, ё теран Сэйхун?

эканлигини, орадан ярим аср ўтиб англаб етдик. Сизнингча,

Нур тўла қадаҳинг ичаркан диллар, Хислар гунҷалайди ва очилади! Ерқин илҳоминг-ла қайнар насллар Асрдан-асрга нур сочилади.

романининг қиймати унинг тарихийлигидеми ёки бадийлигидеми?

«Албатта, бадийлигида. «Кутлуг қон» бадий бўёқлари қуюқ, бақувват асар. Шу учун ҳам унда сир кўп. Баъзи бир манзараларни тасаввур қилиб мусаввир мўйқалами билан чизилган дейсиз. Айрим ўринларда шоирнинг туйғули-туғёнли тасвирларига дуч келгандай бўласиз. Ҳолат, кайфият оҳангларидан эса гўёки қўнғил ва руҳ қуйлари таралади. Адиб ҳар бир ҳодиса ва характер ҳолати талабига кўра шундай сўз ва ибораларни кашф этадики, уларни жонли маъжудликдай қабул қиласиз. Энг муҳими, роман қаҳрамонлари ҳаёти ва қисматига лоқайд қололмайсиз, уларга қўшилиб Сиз ҳам қалбингизни иштатасиз. Бу эса энг муҳимидир.

Баъзи кимсалар бўлади, дехқонга ўхшаб меҳнат қилмайди, аскар бўлиб Ватанини ҳимоя этолмайди, табиблик қилиб касалини даволай олмайдими, халққа таълим бериши, бадий ижодда нимадир яратишга умуман ҳисса қўшолмайди... Шу маънода «Кутлуг қон»ни ўқиган киши халққа нафи тегмаган ҳаёт - ҳаёт эмас, маънавий-ахлоқий ўлимдир, деган ҳулоса чиқариши ҳам табиийдир.

«Ет сотган эр бўлмайди. Эр йигити ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чак... Ер сотганининг қўлини кўрдик, ахири гадоий бўлди. Тўғри, ерни пулга сотадилар... Пул ҳамма нарсага отаси. Пул - бу белга қувват, бошга тож... Пулдор одам қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан маширқача учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст, ёр топасан. Пул шундай азиз нарса, жиян...»

Асарда ноҳорликдан ер сотган жиянга Мирзақаримбойнинг эътироз шундай баён этилган. Тоғанин бу сўзлари гўё ҳикматдек асарни бойитиб туради. Хўш, Ойбекнинг иқтисодиёт ва маънавият билан боғлиқ бу фикрларини қандай изоҳлаймиз? Аслида иқтисодиёт маънавиятга таянадими ёки маънавият иқтисодиётга? Маънавиятга таянмаган моддийёт ноҳлиги ноҳор бўлса, иқтисодиётга таянмаган маънавият ҳам шунчалик ғариб ва афтоддир. Маънави-

ят, маърифат ва бадий ижод барча замонларда ҳам моддий муҳофаза ёки мададга муҳтожлик сезган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверди. Модомики, моддий бойликларга нарх белгиланар экан, маънавий бойликларнинг фойда ва қиймати ҳам тўғри ва ҳаққоний белгиланмоғи жоиз. Ана шунда илму ижоднинг ривожидан унча ташвишланмаса бўлади.

Бобораҳим Машраб бир шеърда: Аё дўзах, мени куйдир, Халойиқ куймасин ҳаргиз, - деб ёзди. Ойбекнинг руҳияти ҳам «олов қўчкилар, садосиз портлаш, интиқом буронлари кўзгалган» бир дунё бўлган. Унинг халқ меҳри, юрт ишқи билан лиммо-лим қалбини замон ҳам, ганимлар ҳам теппа-тенг қақшатган. Қолаверса, ўша даврда «маданий» янгилашни орқали миллат идизига болта уриш, унинг тарихий хотирасини нурсизлантириш, миллий туйғуларини сўндириш авжига чиққан. Адибнинг охир-оқибат тилдан қолдирган, маънан синдирган, унинг соҳир қалбини парча-парча қилган бу иллатларга у ўзининг етук маънавиятини қарши қўяди ва ҳамisha шарқона ҳикматга амал қилади. Гўзал маънавий меросимиз ҳақида ёзганда, уни Фарб манбаларига қарши қўймайди. Давр билан ҳамнафас яшаш баробарида асарларида халқни ўзини ўзига кўзгу мисол кўрсатади. Доно китобхон эса ёзувчининг бу «кашфиёт»идан амалий фойдаланади. Масалан, Навоийнинг қалбини изтиробга солган дард маърифатпарварларнинг юрак сўзи эди. Шундай эмасми?

Тарихий мавзуда асар ёзиш билан тарихий туйғуга соҳиб бўлиш айна бир нарса эмас. Тарих туйғуси ижодкордан воқеликни характерда кўришни ва ҳаёт оқимидан ажралмаслиқни талаб қилади. Али-

шер Навоий ижодиёти - буюк шахс, беназир санъаткор ақл-идроки, фикрий изланишлари, руҳий юксалиш ва фалсафий-ахлоқий мушоҳадаларидан яралган бир олам. Унинг юзага чиқиш тарихи, албатта биздан узок. Лекин ҳаётини нафаси, моҳияти, ҳақиқат ва гўзалликлари боқийдир. Ойбек Навоий шахсиятига ва ижодиётига фавқу-

и, илмий меросини изчил ва яхлит тарзда ўрганган. Шунинг учун адибнинг Навоий ижодиётига бағишланган илмий асарлари билан танишганда шоирнинг таржимаи холи, адабий муҳитидан бошлаб, лирик шеърлари, достонлари, нарсрий асарларининг энг долзарб масалалари хусусида аниқ ва янги тасаввур ҳосил бўлади. Навоийнинг дунёқараши, санъаткорлик маҳорати, адабиётни юксак босқичга кўтаришдаги улкан ҳизматлари ҳақида илгари сурилган фикр-хулосалар кудратли илмий тафаккур ҳосиласи эди.

Ойбекнинг Навоий таржимаи холи, даври ва ижодиётини чуқур ўрганиш - бу унинг буюк шоир турғисида яратилган бадий асарлари учун мустаҳкам асос вазифасини ҳам бажарган эди. Шу боисдан ҳам Ойбек тадқиқотларида олим ва санъаткор нуқтаи назаридеги уй-

ғунлашув осон сезилади. Навоий-шунос Ойбекнинг ибратли фазилати Навоий ижод оламига эркин кира билиш ва ундаги ҳар бир бадий ҳодиса, ҳолат ёки образни ҳаққоний талқин қилишга эришганлигидир. Ойбек поэтик матнни энг яширин ва нозик сирларига муршоҳада эта олганлиги боис таҳлил

ва ифодада сира зўриқмасдан, фикр-мулоҳаза жўнлиги, қуруқлигига заррача ҳам ён бермасдан қалам тебратгади. Хуллас, Ойбекнинг илмий тадқиқотларида ҳам илҳомбахш ёрқинлик, самимият ва чуқурлик мавжудки, бундан ҳар қанча ўрганса, ибрат олса арзийди.

Ривоят қилишларича, Хотам Тойнинг саховатпешалигига бир

«Уша Хотам Той мен бўламан. Бошим сизга садақа, - деган экан. Айтишларича, Ойбек ҳазратлари ҳам ўзларига ёмонлик қилган, тухмат тошлари ила оғир хасталикка чалинишига сабаб бўлган кимсаларга ҳам гина-қудуратини унутиб, ихлос билан ёрдамга шошиларкан. Ундаги бундай қомил фазилат Оллоҳ назари тушган инсонларгагина nasib этади...»

«Агар орзуга яраша кучли, мард, кўнгли ёруғ ва истеъдодли одамлар Бенгалияда тез-тез вояга етганида шижоат танқислигидан халқимиз бунчалик кўп азоб чекмасди», - дейди улуг хинд адиби Р.Тагор. Мен айтаманки, Ойбек домлага ўхшаш беназир Шахс ва ижодкорлар кўпайганда маънавиятимиз янада гуллаб яшнаган бўлурди. Ойбекнинг инсоний фазилатларини санаб ёки таърифлаб тугатиш қийин. Шунинг учун ҳам номардлик ва тубанликларга қарши унинг тозаллиги, болалиги ва хокисорлиги ҳамisha қалқон бўлган. Ҳақ ва ҳақиқатга таслим кишини энгиш мумкинми? Ойбекка ташланган, уни энгишни кўзлаган кимсаларнинг ҳеч бири бунга ўйлаб ҳам кўришмаган. Чунки уларнинг назарида Ойбек шунчаки бир ижодкор, қўлни-қўлга бериб ҳужум бошлашса қулайдиган инсонга ўхшаб кўринган. Қолбунки, Ойбекнинг улуг Навоийдек ўнлаб пири ва суянч тоғлари бўлган. Унинг қалбиде ишқ ва маърифат офтоби чарақлаб турган...

Ҳаёт улкан зотларни кўпича ҳар турли бедодлик, ноҳақлик ганимлик ва ёвузликларга юзлаштиради. Нега шундай? Биринчидан, «ярқираб юлдуз ёнодур тун қаро бўлган сайин», дейилганидек, улар ана шундай вазиятларда руҳоний куч, фазилат ва ботиний имкониятларини кўпроқ намойён қилади. Иккинчидан, Ойбекдек буюк зотлар ана шундай бир «бетарафлик» мақомига кўтариладими, ҳасад, хусумат, гийбат, ожизлик гавғоларига умуман парво қилмайдиган ҳолатга етади. Ва меҳнат завқини ҳар нарсадан юқори қўяди. Шу сабабдан ҳам Алишер Навоий:

Замон эли гар урушуну гар ярашунлар,

Ки, не урушим алар бирла бору не ярошим,

деб ёзган эди. Ойбек сабр-бардошда ҳақиқий мутасаввифга ўхшайди. Ундаги қалб ва руҳ узлати ҳар бир гофил кимсга ҳам шафқат билан қараш, фавқуллода кечиримли бўлишга рағбатлантирган. Бошқасини у тасаввурга ҳам сиғдирмаган.

Маълумки, Ойбек 1968 йил эрта баҳорда, яъни ўлимларидан сал олдин Бухорога ташриф бурган эдилар. Унда ҳам иккинчи курс талабаси эдим. Ойбекнинг она

Содик дўстим бўлди мунгли ой, Ҳар кул келиб кўриниб юрди, Ҳамма кетди, фақат ул чирой Кўзларингиз нур қўйиб турди.

Сухбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири

Мен дарёга қармоқ ташлайман, Ана, балик-силкир дунийи. Мен баликни овоз айлайман, Кечираман очқўзлайини.

Боданга қўнман туюқ - Ҳавлаламай қолар илқиниб. «Уч, кез» дейман далада овоз, Кечираман анқовлигини.

Усмон АЗИМОВ

Дархатлар олтиндур, янғар фироқлар Қўнғилур япроқлар, йнғлар япроқлар. Оёқлар остида япроқлар ҳазон - Узгармас фалсафа, ҳисобсиз замон...

Ҳар қалай тошқинсан, жўқинсан-жўшқин, Она тупрогингга зарурсан ҳар кун, Мен ҳам қониб-қониб ичолсам дейман.

Бу - Ватан, халқ, тил, шоир ва келажак нималигини биладиган барчанинг орзуи, кечаги, ҳозирги, эртанги умиди. Авлодлар Ойбек аталган тоққа, дарёга ана шундай чўнг мурабаб ва иштиёқ билан интилаверадилар.

Маълумки, адабиётда Вақт Ҳолни, Ҳол эса Вақтни акс эттиради. «Кутлуг қон» романи эса Ойбекнинг беназир истеъдоди билан Вақт қобигини чил-чил синдириб, халқимиз маънавияти дурдонасига айланган асарлардан бири. Уни ёзишдан адибнинг кўзлаган мақсоди нима-

Ўқув йили якунлашиши муносабати билан Бухоро вилоят халқ таълими ходимларининг анжумани ўтказилди. Унда жорий ўқув йилининг якуний сарҳисоби батафсил муҳокама қилинди. Соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳамда йил қўйилган камчиликларга ҳолисона баҳо берилди.

Айтиш жоизки, мазкур ўқув йили бухоролик фидойи устоз-мураббийлар учун муваффақиятларни тақдим этди. Энг эътиборлиси, бу йилги республика ўқувчилар фан олимпиадаларида вилоят вакиллари фахрли натижалар кўрсатиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди. Шунингдек, Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ўқувчилар ўртасидаги «Ўзбекистон»



Касаба уюшма тадбири

УСТОЗЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ



Ватаним маним» кўрик-танловида бухоролик ёш истеъод эгалари 2-ўринга сазовор бўлишди.

Анжуманда бу кўрсаткичлар фахр билан тилга олиниши баробарида ўқувчиларни ўйлантираётган муаммолар, таълим-тарбия соҳасида оқсётган жихатларга ҳам эътибор қаратилди. Ёш авлодни миллий истиқлол мафқураси руҳида баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш бўйича қимматли фикрлар ўртага ташланди.

Бундан ташқари, ўқувчилар ва ўқувчилар либослари намойиш этилиб, бу борада мўайян тавсиялар берилди. Айниқса, жорий ўқув йили якуни, ижодкор ўқувчилар ва тармоқ касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган кўргазмалар анжуман иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Тадбир сўнггида республика фан олимпиадаларининг голиб ва совриндорлари ҳамда илгор ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Улар учун санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» муҳбири

- Ким шарманда? Энди бахтимни тодим. Ахир менам инсонман-ку!
- Бўлди, бас! Ўйга қайтмайсанми? Айт!
- Қайтмайман!
- Сендан кечдим! Отанамнинг арвоғини чирқиратдинг! Билганингни қилавер! Ола, деб уйимга қадам босма! Болаларингга ўзим оналик қиларман. Ўйши қол...

Шундан сўнг опа-сингил бошқа учрашишмади. Назира Гулноранинг фарзандларини уйига олиб келди. Икисини кўнглига қараб, уларни овутиб яшади. Бора-бора қишлоқдаги гап-сўзлар ҳам тинди. Назира синглисини ўйга-ўйлаб чарчади. Унинг қайтишидан умидини узди...

Орадан йиллар ўтиб мана энди...
Синглиси касал, уни уйига қўйиб кетишганмиш!
Энди у жон талвасасида, жигарлари - опаси ва аксини кўрмоқчи эмиш!
Назира чўқур «ух» тортиди. Ҳозир у бир қаррога келолмас, гўё ичидики кикита одам бордай... Бири «Бор, синглингнинг сўнги гапларини эшит, бўлмаса кейин армонда қолсан» деса, бошқа бири «Йўқ, борма! У бутун оиланинг шаънига доғ туширди, беномуслик қилди, энди жигарларига зор бўлиб қийналиб жон берсин, унга жазо шу, ўзи!» дерди. У қай бирининг га-

Буни ҳаёт дейдилар

пига қулоқ солишини билмай боши қотарди.
Хўроз қичқирди. Тонг ёришиб келарди. Назира туну билан ухловмай чиққани учунми, шу топда боши зиркираб оғирди. Дори ахтариб

юзига суйқарди...
Назира ўша кезларни эслаб қулимсиради. Юрагида меҳрми, соғинчми уйғонди. Гулнорани... кўп йиллар қорасини кўрсатмай, булардан юз ўгириб кетган

МЕҲРИНГНИ ДАРИФ ТУТМА

ичкари уйга ўтди. Чироқни ёқди. Хона ёришган, дастававал деворга осигилк суратга кўзи тушди. Чиройли рамкага солинган бу суратдан ота-онаси жиддий боқиб туришарди. Назира шу азиз сиймоларга тикилиб қолди. Болалигини эслади. Қандай бахти чоғлар эди-я! Хаммалари бир дастурхон атрафида ўтиришлари, ҳазил-хўзил, вақтичлик билан сўхбат қиришлари... Укаси Нормамат доим отасининг тиззасидан тушмасди. Синглиси Гулнора эса онасининг этагига ёпишгани ёпишган эди. Гулнора! Қандоқ бегубор, шўх-шаддот қиз эди у! Ширин сўзлари билан барчаннинг кўнглини эритиб юборарди. Онаси юмушга туриб кетса, дарҳол Назиранинг ёнига чолиб келарди. «Опам, опажоним» деб юзларини

ўша синглисини кўргиси келди. Назиранинг назарида у ҳозир «анча-мунча гап-сўзга қолган беибо аёл» эмас, йўқ, йўқ, ўша олис йиллардаги қичкина, бегубор қизалоққа айланган, опасининг ўйларига мушқоқ бўлиб ётгандай туюлди.
Укаси уни ўлим тўшағида, дедими? Наҳот... йўқ, Гулнора ўлмаганига қарай! Хатларини тузатишга ҳали имкони бор. Ахир ҳаммаёми хато қилади-ку! Унинг синглиси... Бечора Гулнора... Сени кечираман! Сенга ўзим ёрдам бераман! Сўнг ичкари уйга кириб шоша-пиша қийинди, катта рўмолини бошига ўради. Астагина дарвоза томон юрди.
Гулҳажа
ЖАМИЛОВА

РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Атоқли ёзувчи Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан қатор маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ойбек уй-музейида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етди.
Севимли адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кўплаб экспонатларни ўз ичига олган бу музейда энг ҳаши асарлар намуналари учун алоҳида зал ажратилди.
Юбилей муносабати билан расмлар кўргазмаси ҳам тайёрланди. Унда Ойбекнинг рафикаси профессор Зарифа Саидносова томонидан тақдим этилган жозибали мўйлакам асарлари ҳам бор.
«Аҳмад Яссавий мақбараси» деб номланган асар эса ҳаваскор расмном Зарифа опа томонидан яратилган эди. Бу асар 1925 йилда чизилган бўлиб, ўзбек расмномлари кўргазмасидан биринчи марта намойиш қилинган эди.

«Аҳмад Яссавий мақбараси» деб номланган асар эса ҳаваскор расмном Зарифа опа томонидан яратилган эди. Бу асар 1925 йилда чизилган бўлиб, ўзбек расмномлари кўргазмасидан биринчи марта намойиш қилинган эди.

КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН

Халқро электралоқа иттифоқи Бирлашган Миллатлар ташкилотининг иттифослашган муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу нуфузли ташкилот қарори билан ҳар йили май ойининг иккинчи ярмида халқро электралоқа кўни нишонлаб келинмоқда.

Бу сана Ўзбекистонда ҳам муҳим воқеа сифатида катта тайёргарлик билан ўтказилди. «Тенг имкониятларга асосланган ахборот жамиятини яратиш: ҳаракат фурсати етди» деган широстиди уюштирилган тадбирлар республикамизда телефон алоқасидан фойдаланиш йўлида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланди.
Эслашиб ўтмоқчимиз Ўзбекистон 1992-йилдан бундан халқро электралоқа иттифонининг ҳақиқий аъзо-си сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

«ШАҲС ВА ЖАМИЯТ»

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ

Республикамиз олий ўқув юртиларида «Шахс ва жамият» фани бўйича олиб борилаётган курс машғулотларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бундай таълимий жараёни максимал равишда ташкил этиш учун қатор адабиётлар босмага тайёрланди.

«Шахс ва жамият» деб номланган ўқув қўлланма эса 120 минг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган.
Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий университетини мураббий Олий педагогика институтининг семинар-тренинг ўтказилди. Унда инсонпарварлик голярилик гуманитар таълим тизимига татбиқ этиш ҳамда кенг қўламада ўқитишни уюштириш масалалари кўриб чиқилди.
Бунда «Шахс ва жамият» ўқув қўлланмаси фойдали адабиёт бўлиб хизмат қилишига ҳам урғу берилди. Ушбу янги нашр халқро Кизил Янч ташкилоти томонидан молиялаштирилди.

А.АЛИЕВ

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР АКЦИЯ ДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТАБАНК"

Сизларга янги, манфаатли ва қулай бўлган "Маиший тўлов" муддатли омонатини таклиф этади.

Омонатга қўйган маблағингизга йиллик 30 фоиз миқдориди даромад ҳисобланиб, фоизли даромадингиз берган ёзма буюртмангизга асосан барча коммунал хизматлари ҳақи учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилади.

Омонатга бир марта қўйган пулингиз икки йил мобайнида коммунал тўловларингизни ўз вақтида тўланиб боришига имкон яратади.

Шунингдек, "Пахтабанк"

янги жорий этилган

3 ой муддатга қабул

қилинадиган "Қадрият"

омонат турини ҳам таклиф этади. Ушбу омонатга йиллик 27 фоиз даромад тўланиб, фоизларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин!



"ПАХТАБАНК"

ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Наблюдательные совет ОАО "Таъминотчи-Пахта" ОБЪЯВЛЯЕТ о проведении общего годового собрания акционеров, которое состоится 28 июня 2005 года. по адресу: Ташкентская область, Чиназский район, п.Эски Ташкент. в актовом зале ОАО "Таъминотчи-Пахта" Начало регистрации акционеров в 9 час. 00 мин. Повестка дня:

1. Отчет Председателя Наблюдательного совета.
2. Отчет Исполнительного органа по итогам 2004 года и выполнение бизнес-плана за 2004 год.
3. Утверждение бизнес-плана на 2005 год.
4. Утверждение годового бухгалтерского баланса по результатам аудиторской проверки.
5. Утверждение заключения ревизионной комиссии по годовому балансу.
6. Утверждение результатов аудиторской проверки.
7. Утверждение распределения чистой прибыли.
8. Утверждение размера дивидендов и порядок их выплаты.
9. Утверждение аудитора на 2005 год.
10. Довыборы в ревизионную комиссию.
11. Утверждение Исполнительного органа на новый срок.
12. Изменение и дополнение к Уставу. (ст. 10.2 и ст. 11.1)
13. Списание основных средств

Начало собрания в 10 час. 00 мин.

При себе иметь паспорт (для физических лиц), служебное удостоверение (для юридических лиц) и доверенность, заверенную нотариусом (для представителей акционеров). Список акционеров, имеющих право на участие в общем, годовом собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 28 мая 2005 года.

За дополнительной информацией обращаться в ОАО "Таъминотчи-Пахта" по телефону 172-66-13

СПИСОК

юридических и физических лиц, являющихся акционерами с момента основания ОАО "Таъминотчи-Пахта" на 27 мая 2005 года.

№ п/п	полное наименование юридического лица	организационно-правовая форма	место нахождения и почтовый адрес	ИНН	основание быть акционером лицом	дата акцепта	кол-во акций	% к уставному фонду
1	Ассоциация «Узпромсервис»	ассоциация	г.Ташкент ул.Навоий 4 а	202788738	1.Логовог довер.упр. №445 от 24.04.2001. 2.Каспиева З.С. довер.упр.член Наблюд.Совета	24.04.01.	34148	25,00
2	Алтайский завод топливных насосов	открытое акционерное общество	г.Барнаул пр.Космонавтов 8	2223005704	1.Рет№962/99 от 07.06.1999г. 2.Кислицина И.Г. ком.лпр.През.Н.С.	07.06.99.	34148	25,00

п/п	Фамилия, имя отчество	место работы должность	основание	дата	кол-во акций	%голос.акций к уставному фонду
	Иргашоджаев Махмуд Мамалжанович	Председатель правления	Решение общ.соб.прот №1 Исполнительный орган	26.06.00	4398	3,22
	Адьялов Шакир Таирович	Зам.председателя правления	Решение общ.соб.прот №1 Исполнительный орган	26.06.00	4835	3,54
	Юлчиев Хайдар Журабаевич	главный инженер	Решение общ.соб.прот №1 Исполнительный орган	26.06.00	200	0,15
	Хамидов Гайрат Махкамович	главный бухгалтер	Решение общ.соб.прот №1 Исполнительный орган	26.06.00	100	0,07
	Умураков Эркин Пардабаевич	начальник склада	Решение общ.соб.прот №1 Исполнительный орган	26.06.00	100	0,07
	Маджидов Гайрат Суннатович	ком.директор фирмы.член Н.С.	Решение общего собрания протокол №1	17.06.02	2949	2,16
	Умарханов Хайрулла Хабибуллаевич	слесарь АТП член Н.С.	Решение общего собрания протокол №1	17.06.02	2551	1,87
	Расулов Кобил Алижанович	рабочий Аэропорта	Решение внеочередного общего собрания протокол №1	11.02.05	1797	1,32

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС ОАО "ТАЪМИНОТЧИ-ПАХТА" ЗА 2004 ГОД.

Наименование статей	Сальдо Актив	Пассив
1. Уставной капитал		136590
2. Добавленный капитал		3067
3. Резервный капитал		895263
4. Нераспределенная прибыль		441899
5. Целевые поступления и фонды		88815
6. Доходы будущих периодов		22078097
7. Займы и кредиты		63275038
8. Кредиторская задолженность		14188317
9. Основные средства	691163	
10. Прочие займы	34597958	
11. Производственные запасы	69560	
12. Товары для перепродажи	40432556	
13. Денежные средства	1133914	
14. Краткосрочные вложения	39821	
15. Дебиторская задолженность	24142114	
Баланс:	101107086	101107086

Балансовая прибыль составила: 440349 тыс.сум.

Налоги и прочие отчисления: 361347 тыс.сум

Чистая прибыль: 79002 тыс.сум

Достоверность данных, содержащихся в годовом отчете, бухгалтерском балансе, подтверждена аудиторской фирмой "Тамсервисаудит", лицензия №00131 от 07.08.2001г и актом ревизионной комиссии.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба

уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга тўлшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.